



Мавзу: Кредит ва қарзларни ҳисобга олиш

1. Кредит ва қарзларнинг моҳияти ҳамда уларни ҳисобга олишнинг вазифалари.
2. Кредитлар ҳисобини ташкил этиш
3. Қарзлар ҳисобини ташкил этиш
4. Тўланадиган облигациялар ҳисоби.
5. Тўланадиган векселлар ҳисоби.

Кредит шартномаси бўйича бир тараф - банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Қарз шартномаси пул ёки ашёлар топширилган пайдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Кредит ва қарзлар

Қисқа муддатли

6810-Қисқа муддатли банк кредитлари

6820-Қисқа муддатли қарзлар

6830-Тўланадиган облигациялар

6840-Тўланадиган векселлар

6950-Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми

Узоқ муддатли

7810-Қисқа муддатли банк кредитлари

7820-Қисқа муддатли қарзлар

7830-Тўланадиган облигациялар

7840-Тўланадиган векселлар

Корхона 2009 йил 1 январда “Асакабанк”дан 6 ойга айланма маблағларни шакллантириш учун йиллик 12% шarti билан 25 000 000 сўм миқдорида кредит олди. Кредит шартномасига кўра кредитнинг асосий суммаси тенг бўлакларда ҳар чорак охирида, кредит бўйича фоизлар эса ҳар ойда тўланади.

Кредит бўйича тўлов графиги, минг сўмда

сана	Ҳисобот даври бошига мажбурият	Тўланадиган фоиз, 12%	Тўланадиган қисми	Кредит бўйича жами тўлов	Ҳисобот даври охирига қолдиқ
1 январ 2009 й	25 000,0				
31 январ 2009 й	25 000,0	250,0	-	250,0	25 000,0
28 феврал 2009 й	25 000,0	250,0	-	250,0	25 000,0
31 март 2009 й	25 000,0	250,0	12 500,0	12 750,0	12 500,0
30 апрел 2009 й	12 500,0	125,0	-	125,0	12 500,0
31 май 2009 й	12 500,0	125,0	-	125,0	12 500,0
30 июн 2009 й	12 500,0	125,0	12 500,0	12 625,0	-

сана	Хўжалик муомаласи	Сумма, минг сўм	Счетлар алоқаси	
			Д-т	К-т
1.01.09	Кредит ҳисоб рақамига келиб тушганда	25 000	5110	6810
31.01.09	Ҳоиз ҳисобланганда	250	9610	6920
	Ҳоиз тўланганда	250	6920	5110
28.02.09	Ҳоиз ҳисобланганда	250	9610	6920
	Ҳоиз тўланганда	250	6920	5110
31.03.09	Ҳоиз ҳисобланганда	250	9610	6920
	Ҳоиз тўланганда	250	6920	5110
	Кредитнинг бир қисми қайтарилганда	12500	6810	
30.04.09	Ҳоиз ҳисобланганда	125	9610	6920
	Ҳоиз тўланганда	125	6920	5110
31.05.09	Ҳоиз ҳисобланганда	125	9610	6920
	Ҳоиз тўланганда	125	6920	5110
30.06.09	Ҳоиз ҳисобланганда	125	9610	6920
	Ҳоиз тўланганда	125	6920	5110
	Кредитнинг қолган қисми қайтарилганда	12500	6810	

Узоқ муддатли кредитларни ҳисобга олиш

Корхона 2008 йил 1 майда асосий восита сотиб олиш учун 3 йил муддатга банкдан 27.000.000 сўм кредит олди. Шартномага кўра кредит фоизи 15% бўлиб, кредит бўйича фоизлар ҳар ойда тўланади, кредитнинг асосий қисми эса ҳар йили апрел ойининг учинчи декадасида 9.000.000 сўмдан қайтарилади

Кредитнинг қайтарилиши жадвали, минг сўм

сана	Ҳисобот даври бошига мажбурият	Тўланадига н фоиз, 15%	Кредитнинг жорий қисми	Кредит бўйича жами тўлов	Ҳисобот даври охирига қолдиқ
1 май 2008 й	27 000,0				
апрел 2009 й	27 000,0	4 050,0	9 000,0	13 050	18 000,0
апрел 2010 й	18 000,0	2 700,0	9 000,0	11 700,0	9 000,0
апрел 2011 й	9 000,0	1350,0	9 000,0	10 350,0	-

Кредитнинг қайтарилиши бўйича бухгалтерия ёзувлари

сана	Хўжалик муомаласи	Сумма, минг сўм	Счетлар алоқаси	
			Д-Т	К-Т
1.0.08	Узоқ муддатли кредит ҳисоб рақамига келиб тушганда:			
	Кредитнинг жорий қисми	9 000,0	5110	6950
	Кредитнинг узоқ муддатли қисми	18 000,0		7810
1- йил ҳар ойнинг охири-ги санасида	Фоиз ҳисобланганда ($27\,000,0 \times 0,15 / 12 \times 1$)	337,5	9610	6920
	Фоиз тўланганда	337,5	6920	5110
Ҳар йили апрел ойининг учинчи декадасида	Кредитнинг бир қисми қайтарилганда	9 000,0	6950	5110
	Кредитнинг жорий қисмига	9 000,0	7810	6950

Тўланадиган облигациялар

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда қарз шартномаси облигациялар чиқариш ва сотиш йўли билан тузилиши мумкин.

Облигация қимматли қоғоз бўлиб, уни сақловчининг облигацияни чиқарган шахсдан облигацияда назарда тутилган муддатда облигациянинг номинал қийматини ёки бошқа мулкый эквивалентини олиш ҳуқуқини тасдиқлайди. Облигация уни сақловчига облигациянинг номинал қийматидан облигацияда қайд этилган миқдорда фоизлар олиш ҳуқуқини беради

Мисол

Корхона 1 июнда 6 ой
муддатга номинал қиймати
500 000 сўм, фоиз ставкаси
13% бўлган 4 дона
облигацияни чиқариб сотди

Тўланадиган облигациялар бўйича бухгалтерия ёзувлари

сана	Хўжалик муомаласи	Сумма, минг сўм	Счетлар алоқаси	
			Д-т	К-т
1.06	Облигациялар чиқариш йўли билан қарз олинганда (500 000 х 4 дона)	2 000,0	5110	6830
ҳар ойнинг охирги санасида	Облигациялар бўйича фоиз ҳисобланганда (2 000 000 х 0,13 / 12)	21,7	9610	6920
	Фоиз тўланганда	21,7	6920	5110
31.12.	Облигация номинал қиймати бўйича қайтариб сотиб олинганда (500 000 х 4 дона)	2 000,0	6830	5110

Эътнборингиз

учун раҳмат!